O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
10 ноябрь
ШАНБА
№ 92
(11.999)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Олий Мажлис Сенатида

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ҳамда давлат-тижорат Халқ банки билан биргаликда ташкил этилган ижтимоий ҳимояни таъминлашнинг молиявий механизмини янада яхшилашга қаратилган ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Семинарда мустақилликнинг биринчи кунларидан буён мамлакат Президентининг бевосита раҳбарлигида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини: пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишга катта эътибор бериб келинаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Шу мақсадда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

"Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Ҳомийлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартда қабул қилинган "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу йўналишдаги муҳим қадам бўлди. Ушбу Фармонга мувофиқ болали эҳтиёжманд оилаларга нафақалар, ишламаётган оналарга икки ёшга тўлмаган болаларни парваришлаш учун нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижтимоий адолат, холислик ва ошкоралик принципларига, шунингдек бу ёрдамни оиланинг мулкий аҳволини ҳисобга олган ҳолда ҳақиқатан ҳам эҳтиёжманд оилаларга бериш принципларига оғишмай риоя этиш асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети параметрларида 16 ёшга тўлмаган болалари бор оилаларга ижтимоий нафақалар, ишламаётган оналарга икки ёшга тўлмаган болаларини парвариш қилишларига, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилаларга нафақалар тўлаш учун 350,0 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилган.

Семинар иштирокчилари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлашдаги ролини ошириш ва кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш соҳасида мамлакатда амалга оширилаётган жараён алоҳида аҳамиятга эгалигини таъкидлаб ўтдилар.

Тадбирда ижтимоий ҳимояни таъминлашнинг молиявий механизмини яхшилаш чоралари, шунингдек бу чораларни амалга ошириш жараёнида пайдо бўладиган қийинчилик ва камчиликлар батафсил муҳокама қилинди, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чораларини амалга оширишнинг молиявий механизмини янада такомиллаштириш учун амалдаги қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Семинар ишида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, давлат-тижорат Халқ банки, "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, илмий муассасалар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**ЎзА.**

Эртага – Соғлиқни сақлаш ходимлари куни




## ИСЛОҲОТ ДАВОМ ЭТАДИ

**Ҳеч бир соҳа ёки тармоқ йўқки, инсон, жамият ва давлат ҳаётида муҳим, салмоқли ўрин тутмасин. Тиббиёт соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Шу боис Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилганидан буён соғлиқни сақлаш соҳасини замонавий ташхис-даволаш, касалликларнинг олдини олиш услубияти ва тажрибаси асосида ислоҳ қилишга киришилди.**

**– Хўш, бу жараён бугунги кунга келиб қандай самаралар берди? Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар қандай янгиланишларга олиб келмоқда?**

– Бугун шуни мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг мақсадли вазифалари муваффақиятли бажарилаяпти, – деди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Нурмат Отабеков «Тошкент ҳақиқати» мухбири саволларига жавоб бериб. – Бу муҳим дастур қабул қилинган 1998 йилдан буён соғлиқни сақлаш ва турли касалликларнинг олдини олиш соҳасига янгича ёндошувлар ўз самараларини намоён эта бошлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 17 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони бу борада амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижаларини сарҳисоб қилиб, соҳада ислоҳотларни яна ҳам чуқурлаштиришнинг янги йўналишларини белгилаб берди. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва касалликларнинг олдини олишнинг изчил ва босқичли яхлит тизими барпо этилди. Қисқа қилиб, шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, эндиликда мамлакатимиз шифокорлари мураккаб, юқори технологик ноёб операцияларни ҳам муваффақиятли амалга оширмоқдалар, айрим юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилган тезкор ва изчил саъй-ҳаракатлар катта ижобий натижалар бераётир.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳаёти ● Вилоят ҳаёти ● Вилоят ҳаёти

## МАҲАЛЛАГА СУВ КЕЛДИ

**«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ҳамда «Экосан» халқаро ташкилотининг ташаббуси билан ўтказилаётган «Экология ва саломатлик кунлари» тадбирлари доирасида олис қишлоқ жойларда яшовчи аҳолини ичимлик сув билан таъминлашга қаратилган қатор режали ишлар амалга оширилмоқда.**

Қибрай тумани Оққовоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ёшлик маҳалласи аҳолиси ҳам ана шундай хайрли саъй-ҳаракатлар самарасидан баҳраманд бўлди. Бу ерда «Экосан» халқаро ташкилоти ҳомийлигида ичимлик суви минорасини қуриш ва сув қудуғини қазиш лойиҳаси охирига етказилди.

Унинг тез ва сифатли амалга оширилишига Тошкент гидрогеология экспедицияси ишчилари муносиб ҳисса қўшдилар.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

## УЙДАН ЧИҚМАЙ ЎҚИЙМИЗ

**Бўстонлиқ туманидаги жисмоний имконияти чекланган 5 нафар ўғил-қиз ўзларининг ҳеч кимдан кам эмасликларига амин бўлишди.**

Энди улар уйларидан чиқмаган ҳолда мактаб таълими дарсларини ўзлаштириб боришади. Бунинг учун туман ҳокимлиги сўнгги русумдаги Pentium – 4 компьютерларини тақдим этди.

– Ўз компьютерим бўлишини анчадан бери орзу қилардим, – дейди Хўжакент қишлоғида истиқомат қилувчи Ширин Тоянова. – Компьютер мен учун дунё ойнаси. У имкониятларимни кенгайтиради, билим эгаллашимда, дўстларим билан мулоқотда бўлишимда ёрдам беради.

Бу болаларнинг мактаб таълимини чуқур ўзлаштириш ва компьютер саводхонлигини оширишлари учун малакали мураббийлар ҳам жалб этилган.

## ЯНГИ КОНГА ЯНГИ ФАБРИКА

**Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани Хондиза қишлоғи ҳудудидан топилган руда кони Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг тасарруфига киради.**

Кондан чиқаётган рудани қайта ишлашга мўлжалланган махсус фабрика қурилиши жадал олиб борилаяпти. Фабрика билан конни боғлаб турувчи автойўлни барпо этиш вазифаси пойтахтда фаолият юритувчи ихтисослашган йўл-механизация станциясига топширилган. Йўл қурилиши ишлари учун 12 миллиард сўм маблағ ажратилган. Лойиҳага кўра, шу йилнинг декабрь ойида янги йўл фойдаланишга топширилади.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

Вилоят ҳокимлигида

## МУҲИМ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Вилоят ҳокимлигида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби масаласига бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.**

Тадбирда адлия, монополиядан чиқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, давлат солиқ, статистика бошқармалари ва савдо-саноат палатаси ҳамда архитектура ва қурилиш бош бошқармаси раҳбарлари иштирок этдилар.

Семинар-йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари С. Абдуллаев бошқарди.

Иштирокчилар Республика Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий қилиш тўғрисида»ги қарори талабларининг жойлардаги ижроси аҳволини муҳокама қилдилар. Тураржойларни нотурар жойга ўтказиш ва объектларни реконструкция қилишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш, солиқ идораларида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга қўйиш тартиблари, уларга кўрсатиладиган хизмат турларини янада кенгайтириш, маълумотлар билан таъминлаш, йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериш юзасидан фикр-мулоҳазалар баён этилди.

Йиғилиш сўнгида бўлиб ўтган савол-жавоблар жараёнида иштирокчилар кўпгина масалаларга ойдинлик киритдилар.

## «ZOILV-PLAST»НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

**Оҳангарондаги «Zoilv-Plast» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида пахта ва полиэтилен маҳсулотлари чиқиндисини қайта ишлаш йўли билан тайёрланаётган қувурлар табиий газ, коммунал тизимнинг бошқа тармоқлари учун жуда қўл келмоқда.**

– Ишлаб чиқарилаётган полиэтилен қувурларга эҳтиёж катта, – дейди корхона иш юритувчиси Турғунбой Ҳасанов. – Ўтган йили корхонага 1 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб этилди. Шунингдек, ишлаб чиқариш қувватининг ошиши ҳисобига сўнгги бир йил ичида 10 дан ортиқ янги иш ўринлари барпо этилди.

**Мунаввара РАЖАББОЕВА.**

## ОЙЛИК БОШЛАНДИ

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари, таълим масканлари, меҳнат жамоаларида ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ойлиги бошланди.**

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишлаб ўтказилаётган мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиздаги хотин-қизлар ҳуқуқий билими ва маданиятини янада юксалтириш, уларни мамлакатимизда қабул қилинган янги қонунлар, фармон ва қарорлар, бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришдан иборатдир.

Бир ой давом этадиган ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ойлигида соҳа вакиллари, олимлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида ўтказиладиган давра суҳбатлари, учрашувлар, анжуманларда бу йўналишдаги кенг кўламли ишлар ҳақида атрофлича сўз юритилади. Шу билан бирга ҳуқуқий билимни юксалтиришга қаратилган семинар-машғулотлар, кўрик-танловлар, фотокўргазмалар ва танловлар ташкил этилади.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

Муносабат

## ЯНА БИР ҒАМХЎРЛИК

***Бундан 4-5 йил муқаддам мустақил ер эгаси сифатида иш бошлаганимизда бироз ҳадиксираганмиз. Деҳқончиликдаги уқув ва тажрибамизга ишонардик, бироқ фермерлик юки, масъулиятини зиммамизга олгач, ишончни оқлай олармиканмиз, деган андиша безовта қилиб турарди. Боз устига, чекимизга тушган 24 гектарлик контур қир ҳудудида бўлиб, пастак ерларда сизот сувлари яқинлиги сабабли захлик даражаси юқори, анча шўрланган эди.***

Аслида чинакам деҳқон учун ернинг ёмони бўлмайди. Қаерда бўлмасин, асл заминдор ер билан тиллашиб меҳнат қилади. Деҳқоннинг меҳри, эътибори ва иштиёқи ерга мисоли малҳамдек гап. Шу таскинда енг шимариб ишга киришдик, бор тажрибамиз ва куч имкониятларимизни ишга солдик. Қарангки, астойдил қилинган меҳнат ҳеч қачон бесамар кетмас экан. Бу йилга келиб, айтайлик, пахта ҳосилдорлигини салкам 30 центнерга етказдик. Бу дастлабки йиллардагидан қарийб икки баробар юқори.



Албатта, эришаётган ютуқларимизда давлатимизнинг тармоқ ривожи учун кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги асосий омиллардан бири бўлиб келаётир. Юртбошимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори биз, фермерларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрликнинг яна бир намунасидир. Унда белгилаб қўйилган қатор қулайлик ва имтиёзлар билан таниша туриб, бениҳоя тўлқинландим. Демак, энди хавотирга ҳам, иккиланишга ҳам ўрин йўқ. Давлатимиз бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳамиша тайёр. Энди меҳнат қилиб, ерни гуллатиб қўйиш, эл-юртимиз эҳтиёжлари учун сифатли пахта ва ғалла етиштириш бизга тан.

Ўйлаймизки, қарорда белгиланганидек, давлатимиз бюджетидан ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган маблағлар беиз кетмайди. У фаолиятимизни янада жонлантиришга, пировардида, элимиз тўкинчилиги ва юртимиз фаровонлигига хизмат қилади.

**Анвар ШОЙЗОҚОВ,**
**Оққўрғон туманидаги «Қўштепалик Шойзоқ» фермер хўжалиги раҳбари.**




2008 йил учун обуна давом этмоқда «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

## 23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни




# ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

**Вилоятимиз шаҳар ва туманлари чегаралари доирасида Президент сайловини ўтказувчи сайлов участкалари ўз иш фаолиятини бошлашга шай. Жумладан, Олмалиқ шаҳрида ҳам 43 та сайлов участкаси ташкил этилиб, сайловолди саъй-ҳаракатлари қизғин давом этаяпти. 124-, 108-сайлов участкаларида сайловчилар учун барча шароитлар яратилган. Овоз бериш, тиббиёт, она ва бола хоналари зарур воситалар билан жиҳозланган.**

«ОКМК» очиқ акциядорлик жамияти ўқув маркази биносида жойлашган 97-сайлов участкасида давлатимиз рамзлари, сайлов қонунчилигига доир адабиётлар, матбуот нашрлари, замонавий техник жиҳозлар, тезкор алоқа воситалари мавжуд.

Айниқса, Президент сайловига саноқли кунлар қолганини акс эттирувчи кундалик тақвим, сайлов қонунчилигига доир маълумотлар тўпланган деворий кўргазма, овоз бериш ва тиббиёт хоналаридаги қулайликлар Президент сайловига муносиб тайёргарлик бораётганидан далолат беради.

**Камола УМАРАЛИЕВА.**

**"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сиёсий партияларнинг олий органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари йиғилиши томонидан кўрсатилади.**

# САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИ

Тошкентда 8 ноябрь куни сайловчилар ташаббускор гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш бўйича йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан мазкур сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Йиғилишда жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлиши, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида катта аҳамият касб этиши таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайловчилар ташаббускор гуруҳига бирлашган, тақдим этган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар дастурини қўллаб-қувватловчи фуқаролар томонидан бевосита кўрсатилган номзоднинг иштирок этиши миллий сайлов тизимимиз демократлашганининг ёрқин далолати, фуқароларимиз ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганлигининг муҳим омилидир.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидовнинг номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилишда сайловчилар ташаббускор гуруҳидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди платформасининг асосий йўналишлари муҳокама этилди.

**ЎзА.**

# ЧОРВАДОРЛАР ХИЗМАТИДА

**Мамлакатимиз аграр тармоғининг етакчи йўналишларидан бири бўлган чорвачиликка истиқлол йилларида эътибор янада кучайди.**

2006-2010 йиллар мобайнида чорва молларини, айниқса, қорамоллар сонини кўпайтириш, наслини яхшилаш борасида махсус дастур ишлаб чиқилди. Ҳозир шу асосда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада "Насл-хизмат" Республика наслчилик уюшмасининг ҳам алоҳида ўрни бор.

– Мақсадимиз чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларини наслли моллар билан таъминлаш ҳамда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги мавжуд қорамоллар наслини яхшилашдан иборат, – дейди уюшма раҳбари Омон Собиров. – Маҳсулдор молларга нисбатан ўсиб бораётган талабни инобатга олган ҳолда, 2011 йилга қадар юртимизга 13 минг бош наслли мол келтириш режалаштирилган. Шу боис чорвачиликка ихтисослашган илғор фермер хўжаликларига кредитлар ажратилмоқда. Бу борада Голландия, Германия, Польша, Россия, Украина каби давлатлар билан манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бу соҳани ривожлантиришда Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги "Ухуд" фермер хўжалиги, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги "Лочин", Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги "Чор тут", Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "Азизжон" фермер хўжаликлари бошқаларга ибрат бўлмоқда. "Азизжон" фермер хўжалигида 84 бош наслли қорамол мавжуд. Унинг йигирма еттитаси соғин сигир бўлиб, тўққиз ой давомида уларнинг ҳар биридан 3 тоннадан, жами 81 тонна сут соғиб олинди. Айтиш жоизки, ҳозирда мамлакатимизда боқилаётган қорамолларнинг қарийб 98 фоизи аҳоли ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларида зотдор моллар етиштириш мақсадида наслчилик ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уюшма таркибидаги "Ўзнаслчилик" корхонаси Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Корхонада чорва моллари наслини яхшилаш мақсадида музлатилган уруғлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, суюқ азотни жойларга етказиб берадиган махсус автомашиналар, дьюар идишлар ва наслчилик материаллари сотиб олиш учун грант маблағлари жалб этилмоқда.

**ЎзА.**

# ЎзННТМА–ЮНИСЕФ ҲАМКОРЛИГИДА

***Бугун ўз ишини якунлайдиган семинар-тренинг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида – Ювенал адлия» мавзуига бағишланди.***

ЎзННТМА билан ЮНИСЕФ ҳамкорликда ташкил этган уч кунлик машғулотларда нодавлат нотижорат ташкилотлар мутахассислари, давлат ташкилотларининг болалар масалалари билан шуғулланувчи ходимлари малака оширишди.

Машғулотларда Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимояловчи қонунчиликнинг давлатимиз «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияга қўшилгандан кейинги даврдаги ривожига алоҳида эътибор қаратилди. Хорижлик ва маҳаллий экспертларнинг малакали маърузалари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Улар Ювенал адлия тўғрисида аниқ маълумотлар олишди, ўз фаолиятларида миллий ва халқаро қонунчилик меъёрларини қўллаш, болалар тарбиясига доир лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бу жараёнларда давлат идоралари билан ҳамкорлик қилиш кўникмаларини эгаллашди.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**

## Диққат, танлов!

# «МИСР ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?»

**Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Миср маданият маркази ҳамда «Ҳамдўстлик» аёллар клуби академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари, шунингдек, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари учун «Миср ҳақида нималарни биласиз?» мавзусида танлов эълон қилди.**

Ушбу қизиқарли тадбирда иштирок этиш истагида бўлганларга шуни маълум қиламизки, танловнинг биринчи даврасi 6 ноябрда бошланди ва у 6 декабргача давом этади.

Танловда иштирок этишни хоҳлаганлар «Миср менинг тасаввуримда» мавзусида чизган расмларини «Ҳамдўстлик» аёллар клуби ёки вилоят хотин-қизлар қўмитасига 30 ноябрдан кечикмай тақдим этишлари лозим. Дастлабки 12 та ўринларни эгаллаган расмлар 2008 йил тақвимига киритилиб, Миср маданият маркази ёрдамида чоп этилади.

Энг яхши 30 та расм муаллифлари Миср ҳақида викторинада қатнашиш учун «Ҳамкорлик» клубига танловнинг иккинчи даврасига таклиф этиладилар. Викторина учун танлаб олинган саволлар иштирокчиларнинг Миср тарихи, ушбу мамлакатнинг тарихий шахслари ва ёдгорликлари, географияси ва иқтисодиёти тўғрисидаги билимларини синовдан ўтказишга мўлжалланган.

Миср маданият маркази танловнинг якуний натижаларига қараб, учта асосий соврин, шунингдек, энг яхши композиция, моҳирона ишлатилган ранглар ва рамзлар бўйича чуқур билим учун мўлжалланган алоҳида мукофотларни тақдим этади.

# ДАРСЛИКЛАР КЎП БЎЛСИН

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлашни такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Унда ўқитувчилар, услубчилар, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар муаллифлари иштирок этди.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан 2006 йил 31 майда қабул қилинган "Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда

Мулоқот чоғида мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда жойлардаги халқ таълими бошқармалари, таълим марказлари, умумтаълим мактаблари кутубхоначилари, дарсликлар бўйича мутахассисларнинг вазифалари белгилаб олинди.

**ЎзА.**

## Эртага – Соғлиқни сақлаш ходимлари куни

# ИСЛОҲОТ ДАВОМ ЭТАДИ

**– Вилоятимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар, уларнинг натижалари ҳақида гапириб берсангиз?**

– Ҳар бир режа, интилишнинг муваффақияти унинг молиялаштирилишига боғлиқ. Бу соҳада мустақиллик йилларида кескин ўзгаришлар юз берди. Буни аниқ тасаввур этиш учун шуни айтиш кифояки, фақат шу йилнинг ўтган 9 ойида вилоят соғлиқни сақлаш тизимига 38 миллиард 616 миллион сўм бюджет маблағи сарфланди. Бу тизим бугун 90 та шифохона, 360 та амбулатория-поликлиникани ўз ичига олади, бирйўла 55-56 минг беморга малакали тиббий хизмат кўрсатиши мумкин.

Касб байрамимиз арафасида шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, кейинги вақтда врачларимизнинг ўртача иш ҳақи 2,5, ўрта тиббий ходимларники 1,24 баравар оширилди. Бугун шифокорларимиз ўртача 198, ўрта тиббий ходимларимиз 95 минг сўмдан зиёд иш ҳақи олишаяпти. Натижада тиббиёт ходимларида ўз касб малакаларини муттасил ошириб боришга интилиш кучайди, ишга нисбатан масъулият ошди.

Ислоҳотлар жараёнида, аввало, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини тубдан қайта қуришга киришилди. Қишлоқ жойларидаги кам самарали фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва амбулаториялар тугатилиб, ҳозиргача 260 га яқин қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди. Уларда малакали умумий амалиёт шифокорлари аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишаётир. «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида шу йилнинг биринчи ярмидагина 772 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуна олинди. 68 та қишлоқ врачлик пункти эса Япония ҳукуматининг «Жайка» гранти асосида қайта жиҳозланаётир. Тошкент, Қибрай, Юқоричирчиқ ва Зангиота туманлари қишлоқ врачлик пунктларидаги тиббий жиҳоз ва мебелларни ёппасига янгилаш кўзда тутилган. Шу мақсад учун таъкидлаб ўтилган туманларнинг ҳар бир қишлоқ врачлик пунктига 40 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши режалаштирилаётир.

Вилоятимизда «Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳам қизғин иш олиб борилаётир. Чунончи, ҳозиргача туғиш ёшидаги аёлларнинг 80 фоиздан кўпроғи тиббий кўрикдан ўтказилди. Айрим аёлларда аниқланган касалликларни амбулатория-поликлиникалар ва шифохоналарда даволаш ўз самарасини бераётир.

**– Ҳар бир ишнинг муваффақияти ходимларнинг билимдонлиги, тажриба ва малакасига боғлиқ. Нурмат Соттиниёзович, вилоятимизда тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида қандай ишлар олиб борилаётир?**

– Албатта, тажриба ва амалий малака ниҳоятда муҳим. Фақат пухта билимли, тажрибали шифокор ва ўрта тиббиёт ходимларигина замонавий ташҳис-даволаш асбоб-ускуналаридан самарали фойдалана оладилар. Шуни назарда тутиб, биз тиббиёт ходимларимизни ўқитиш, улар замонавий ташҳис-даволаш услубларини мукаммал ўзлаштириб олишларини таъминлашни режа асосида олиб бораётирмиз. Улар Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан республика ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш марказида ва хорижий давлатларда қайта тайёргарликдан ўтказилаётир. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 900 дан ортиқ врач ва 2400 дан кўпроқ ўрта тиббиёт ходими малака ошириб келди. Натижада уларнинг малака тоифалари кўтарилиб бораётир. Ўтган ойлар мобайнида 80 га яқин шифокор биринчи, 2650 ўрта тиббиёт ходими малака тоифасига эга бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, – деди суҳбат пировардида Нурмат Отабеков, – барча шифокорлар, ўрта тиббиёт ходимлари, соғлиқни сақлаш тизимининг ишчи-хизматчиларини касб байрамимиз – Соғлиқни сақлаш ходимлари куни билан қизғин қутлайман.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



# БУ МАСКАННИНГ ШАЙДОСИ КЎП

***Янгиобод шаҳарчасида кўп одам яшамайди. Лекин табиати ғоят гўзал, ҳавоси беғубор бу маскандаги мўъжазгина шифохонада даволанишни истовчилар оз эмас. Бу ерда даволаниш ва дам олиш учун наинки, янгиободликлар, балки вилоятнинг деярли барча бурчакларидан талабгорлар келади.***

Шифохона тоғ ёнбағрида, кўмкўк қалин боғ қўйнида жойлашган. Ёзнинг чилласида ҳам бу ер салқин ва осуда. Тоғдан булоқ суви шарқираб оқиб туради. Пастдаги сойдан майин шабада эсади. Қирлардаги баланд арчазорлар кўзни қувонтиришдан ташқари шаҳарчанинг ҳавосини турли ғуборлардан тозалаб туради.

Соғлиғини тиклаш учун келган одамлар, айниқса, шифохона ходимларининг хизматидан мамнун. Раҳматхон Шокирхонов, Мавлуда Исоқова каби малакали врачлар, Гулчеҳра Остонова, Назира Умирзоқова, Зулфия Ғуломова сингари ҳамширалар дардингизга дармон бўлишга тайёр. Шифохонада йилига бир неча минг киши даволаниб, соғлиғини тиклаяпти.

**СУРАТДА:** биринчи тоифадаги шифокор Мавлуда Исоқова беморнинг ҳолатини кўздан кечирмоқда.

# МИЛЛИЙ ДИЗАЙН ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамкорлигида миллий дизайн истиқболига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.***

Унда юртимизнинг етакчи рассом-дизайнерлари, меъморлар, мамлакатимиз олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Дизайн таълимидаги муаммо ва ечимлар атрофлича таҳлил этилган ушбу анжуманда Ўзбекистонда дизайн ривожланишининг истиқболлари, саноат дизайнининг долзарб масалалари, юртимиздаги турли минтақаларнинг миллий либослари тарихи билан боғлиқ мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Тадбир доирасида мазкур институт талабалари томонидан яратилган миллий либослар намойиши бўлиб ўтди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

## Давр ва одамлар

# МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАР ВАТАН




**СУРАТДА:** маҳалла фаоллари матбуот нашрларини доимо кузатиб борадилар.

**Муаллиф олган сурат.**

...Эрталаб уйғонган Мавжуда опа ўзини ҳар кунгидан тетик ва енгил сезди. Оёқлари ва белидан бод аригандай, руҳияти кўтарилди. Сўнг оҳиста қадам ташлаб деворни ушлаганича, бостирмали ошхонага чиқди.

– Вой, ойижон, ўзингизни уринтирманг, – қўлидаги сут тўла челак билан ойиси томон шошилди қизи. – Оёғингиз оғриб қолмасин тағин.

– Шу ерга стул қўйиб бер, қизим, очиқ ҳавода бирпас ўтирай.

У ўчоққа ўтин ташлаб, сут пишираётган қизини кузатар экан, йиғим-теримдан сўнг унинг бўлажак тўйи ҳақида ўйлади. «Ташвишланманг, сизнинг тўй – бизнинг тўй» дейишганди қизи унаштирилган кун маҳалла фаоллари. Шу сўзнинг ўзидан ҳам кўнгли тоғдек кўтарилганди опанинг.

Бекобод шаҳридаги «Нурли йўл» маҳалласида истиқомат қилаётган Мавжуда Бойматовани бир пайтлар маҳалладошлари «Чевар опа» деб чақиришарди. Кейинчалик у сурункали бод касаллигидан ётиб қолди. Бугун унинг оёққа туришида аввало ўзидаги ирода, сабр-қаноат, қолаверса, яхшиларнинг ширин сўзи, врачларнинг муолажалари катта ёрдам бўлди.

– Айни пайтда шаҳримизда 30 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда, – дейди шаҳар хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Насима Шарипова. – Мустақиллик берган кенг имкониятлар туфайли маҳаллаларимизда ҳам кўламли ўзгаришлар рўй берди. Ҳар бир фуқаролар йиғини ўзининг замонавий биносига эга. Маънавий-маърифий, диний-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи, посбонлар бевосита фуқаролар йиғинларининг ўзида оқсоқол билан бирга иш олиб боришмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида ҳомийлар томонидан маҳаллаларни ободонлаштириш ёш авлоднинг баркамол воияга етиши, таълим олиши йўлида, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатувчи замонавий иншоотлар бунёд этилди. Республикамизда йирик корхона ҳисобланган «Ўзметкомбинат» ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмаси томонидан бу йил шаҳардаги кам таъминланган оилаларни, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 24 миллион сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари 50 та кам таъминланган оила газ, электр энергияси ҳақини ҳомийлик ёрдами орқали тўлади.

– Бутун меҳнат фаолиятим металлургия комбинати билан боғлиқ кечди, – дейди Собир Раҳимов маҳалласида яшовчи Анвар Юнусов. – Электр пайвандчи бўлиб ишлаб, шу ердан пенсияга чиқдим. Ҳозир 84 ёшдаман. Кексаликданми, кейинги йилларда кўзим ожиз бўлиб қолди. Корхона ҳомийлигида шифохонада даволандим. Маҳалладошларим омон бўлишсин, иссиқ-совуғимдан хабар олиб туришади. Тадбиркор Қувончбек Ҳомиев мендан ташқари маҳалламиздан яна икки оилани оталиққа олиб, ҳар ойда озиқ-овқат ҳамда сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб келаяпти.

– 2459 аҳоли истиқомат қилаётган маҳалламиздаги мавжуд кўп қаватли уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлашда ҳам ҳомийларнинг кўмаги катта, – дейди Собир Раҳимов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саломат Тожибоева. – Шунинг натижасида бугун уйларимиз мавсумга тўлиқ тайёр.

Ҳақиқатдан ҳам Ижтимоий ҳимоя йили инсон манфаатлари илгари сурилган кўп хайрли амалларга гувоҳ.

– 2008 йил учун вақтли нашрларга обуна бўлиш корхона, ташкилот, муассаса ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида қизғин давом этмоқда, – дейди Насима Шарипова. – Бундан ташқари, «Ўзметкомбинат» ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмаси, «Бекободцемент» ҳамда қатор тадбиркорлик субъектлари ҳомийлигида 100 та кам даромадли оила «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига обуна қилинади.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

# ОЛИМПИЯЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

***Вьетнамда футбол бўйича Европа, Осиё ва Африка мамлакатлари олимпия терма жамоалари иштирокида ўтказилган "Agribank Cup" халқаро турнири ўзбекистонлик футболчилар ғалабаси билан якунланди.***

Мусобақанинг дастлабки учрашувида мезбонларни 2:1 ҳисобида доғда қолдирган ўзбекистонлик чарм тўп усталари навбатдаги баҳсда Финляндия олимпия терма жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош совринга асосий даъвогарлигини исботлаган эди.

Африка вакили – Зимбабвега қарши ўтказилган учинчи тур учрашувида Вадим Абрамов ва Миржалол Қосимов шогирдлари дуранг 1:1 натижани қайд этиб, етти очко билан биринчи ўринни эгаллади.

Иккинчи ўринни олти очко тўплаган финляндиялик чарм тўп усталари эгаллаган бўлса, мезбонлар – Вьетнам олимпия терма жамоаси мусобақани учинчи поғонада якунлади.

**ЎзА.**

# АНГРЕНЛИКЛАР – КУБОК СОҲИБИ

**Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти тизимидаги Бирлашган техника мактабида автоспортнинг картинг тури бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоаларидан 120 нафардан зиёд спортчи иштирок этди.**

Мусобақада энг яхши натижа қайд этган Ангрен автомактаби вакиллари кубок соҳиби бўлди. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани ўқув-спорт техника клуби иккинчи, Ҳамза тумани ўқув-спорт техника клуби спортчилари эса учинчи ўринни қўлга киритди.

**ЎзА.**



# ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

**Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасининг ярим финал босқичи якунланиб, бош соврин учун ўзаро беллашадиган икки жамоа маълум бўлди.**

Мусобақанинг ярим финалига миллий чемпионатимизда совринли ўринлар учун курашаётган энг кучли тўрт жамоа – "Пахтакор" (Тошкент), "Нефтчи" (Фарғона), "Қурувчи" (Тошкент) ва "Машъал" (Муборак) футболчиларининг чиқиши беллашувларнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминлади.

Мамлакат кубогининг амалдаги соҳиби – "Пахтакор" футболчилари ярим финалнинг дастлабки учрашувида ўз майдонида "Нефтчи" жамоасини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга чиқиш учун яхши имкониятга эга бўлган эди.

Юрий Саркисян шогирдлари эса мусобақани давом эттириши учун жавоб ўйинида пахтакорчиларни камида 3:0 ҳисобида мағлуб этиши лозим эди, лекин "Нефтчи" жавоб учрашувини 3:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилганига қарамай, икки ўйиннинг умумий натижасига кўра, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонган "Пахтакор" финалда ўйнайдиган бўлди.

Пахтакорчиларнинг бўлажак учрашувдаги рақиби "Қурувчи" ва "Машъал" жамоаларининг баҳсида аниқланди. Мазкур жуфтликнинг Муборакда ўтказилган биринчи учрашувида ҳисоб очилмагани боис пойтахтдаги жавоб ўйини олдидан ҳар икки жамоанинг имконияти тенг эди.

Кескин ва муросасиз курашларга бой бўлган беллашувда ҳисоб эллик бешинчи дақиқада очилди. Қулай имкониятдан унумли фойдаланган "Қурувчи" ҳужумчиси Шавкат Саломов меҳмонлар посбони Павел Бутенкони доғда қолдирди.

Ўйин якунланишига ўн икки дақиқа қолганда мезбонлар учун мураккаб вазият вужудга келди. "Машъал" ҳужумчиси Виктор Клишин аниқ зарба билан ҳисобни тенглаштирди. Бироқ, муборaклик чарм тўп усталари ўзлари учун финалга йўл очадиган дуранг натижани ушлаб қола олмади. Ўйин якунланишига беш дақиқа қолганда "Қурувчи"нинг иқтидорли ҳужумчиси Дмитрий Кузин тепган тўп жамоага ғалаба келтирди. "Қурувчи" ўз тарихида биринчи марта финалда ўйнайдиган бўлди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон кубоги мусобақасининг 13 декабрь куни Тошкент шаҳридаги Марказий ҳарбий спорт клуби стадионида ўтказиладиган финал беллашувида "Пахтакор" ҳамда "Қурувчи" жамоалари ўзаро куч синашади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

Фанимиз фидойилари

# ИЛМГА БАХШИДА УМР



**Ўзбекистон Республикаси Миллий университети фалсафа факультети маънавият асослари ва диншунослик кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори Анвар Абдусамедовнинг илмий-педагогик фаолияти 1959 йили ҳозирги Миллий университетда бошланиб, катта ўқитувчи, доцент, университет касаба қўмитасининг раиси, фалсафа факультети декани, кафедра мудири каби масъулиятли лавозимларда ишлади. У 1965 йилда номзодлик, 1979 йилда эса докторлик диссертацияларини ёқлади. 1980 йили профессорлик унвонини олди. Ҳозир кафедра профессори лавозимида илмий-педагогик фаолиятини давом эттирмоқда.**

Анвар Абдусамедов юқори малакали кадрлар етиштиришга муносиб ҳисса қўшиб, шу давр ичида 35 га яқин фан доктори ва номзодини тайёрлашга раҳбарлик қилди. У ўз педагогик фаолиятини илмий-услубий фаолият билан қўшиб олиб бориб, олий таълим тизими учун 6 та дарслик ва ўқув қўлланмаси, 18 та монография ва рисолалар нашр эттирди. Унинг 300 дан ортиқ мақоласи хориж ҳамда республика журналларида, илмий тўпламларда эълон қилинган. Яқинда олимнинг «Ислом дини асослари ва маънавияти» китоби чоп этилди.

Бугунги кунда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган маънавий омиллар тобора биринчи ўринга чиқиб бораётир. Шундай бир шароитда дин ва ундаги реал қадриятларга маънавий маданиятнинг таркибий қисми деб қараш, халқимиз яратган бой маънавий меросни ҳар томонлама ўрганиш, ундан ижодий фойдаланиш бугунги маънавий юксалишнинг асосий йўналишига айланди.

Китобда муаллиф томонидан 12 мавзу пухта тузилган режалар асосида кенг ёритилган. Ҳар бир мавзу охирида таянч сўзлар, такрорлаш учун саволлар ва адабиётлар рўйхати берилганлиги шу фандан дарс берадиган профессор-ўқитувчилар ҳамда уни ўзлаштирадиган талабалар учун катта қулайликлар туғдириши шубҳасиз.

Мазкур китобнинг тили илмий, шу билан бирга содда ва равон, талабаларнинг мавзуларни яхши ўзлаштиришларига қулайлик яратади. Мазкур китобдан нафақат ижтимоий-гуманитар йўналишдаги мутахассисликларда таҳсил олаётган, балки техника йўналишидаги олий илмгоҳлар талабалари ва ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Миллий университети Маънавият асослари ва диншунослик кафедраси профессори Анвар Абдусамедов раҳбарлигида ўқитувчилар, аспирантлар томонидан фалсафа фанининг муҳим йўналишларидан бири бўлган «Дин тарихи ва фалсафа» фанининг илмий-фалсафий ва услубий муаммолари ишлаб чиқилмоқда. Серғайрат, тиниб-тинчимас устоз ва олим докторлик ва номзодлик ҳамда магистрлик диссертацияларига раҳбарлик, талабаларга билим бериш ва мураббийлик қилишда ҳамон жонбозлик кўрсатмоқда.

**Эркин УМАРОВ, Ўзбекистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори.**
**Саидбурхон АСҚАРХЎЖАЕВ, Тошкент Давлат техника университети кафедра мудири.**



# "КЎПКАРИ" МУКОФОТ ОЛДИ

**Италиянинг Милан шаҳрида "Кино ва телевидениеда спорт" деб номланган халқаро фестиваль ўтказилди.**

Фильм ва унинг ижодкорларини тақдирлаш мақсадида ташкил этиб келинаётган "Кино ва телевидениеда спорт" фестивали йигирма беш йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Фестивалда бу йил бир юз икки давлат ижодкорлари томонидан тайёрланган икки юзга яқин фильм ҳакамлар эътиборига ҳавола этилди. Улар орасида Ўзбекистон Миллий телерадиокампаниясининг "Ўзбектелефильм" ижодкорлари томонидан яратилган "Кўпкари" фильми ҳам бор. Мазкур фильм хорижлик мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Қувонарлиси – ўзбек халқининг миллий спорт тури ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу фильм Милан фестивалининг махсус совғасини қўлга киритди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс".**

Шундан кейин

## ЯНА БИР НОЁБ ТОПИЛМА



***Лесотода 493 каратли "Летсень мероси" деб номланган олмос топилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС.***

Мамлакат ҳукумати бу улкан олмосни Антверпендаги (Бельгиядаги жаҳон биржаси) Халқаро олмос марказида сотувга қўйиш ниятида эканини маълум қилди.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, Летсень шахтасида бундан аввал топилган 603 каратли олмос 12,4 миллион АҚШ долларига сотилган экан.

## 6 МИЛЛИОНЛИК КЎЗА



***Лондоннинг "Сотбис" кимошди савдо уйида XVIII асрга оид Хитой кўзаси қарийб уч миллион фунт стерлингга (олти миллион АҚШ долларига тенг) сотилди.***

Хабарларга қараганда, кўза ўн йил аввал ўн минг фунт стерлингга баҳоланган экан. Сўнгги йилларда хитойлик усталар яратган бундай санъат асарларининг баҳоси жадал ошиб бормоқда.

**ЎзА.**

# ТУГАЛЛАНМАГАН ЎЙИН

*(Ҳикоя)*



Сафарали билан Эшмурод эски оғайни. Иккисининг учрашуви шохмотсиз ўтмайди. Бир-бирининг уйида қолиб кетган кунлари кўп бўлган. Охири шунгача бордики, ҳар иккаласининг хотини жанжал қиладиган бўлди. Икки дўст ўйлаб-ўйлаб, бир қарорга келишди. Бир-бирининг уйига боришганда фақат иккитадан юриш қилишади. Нега энди «уч-тўрт» эмас деган саволга «ҳамма нарсанинг жуфти яхши» деб ўзларича жавоб ҳам тўқишади.

Бугун Сафарали оғайнисиникига ташриф буюрди-да, шахмат тахтасини очиб, дастлабки юришни қилди. Рақиб ҳам дарров жавоб қайтарди. Бир пиёла чой хўплагунча, икки юриш ҳам битди.

– Э, қўй оғайни, юрагим сиқилиб кетаяпти, юр, охирига етказиб қўя қолайлик, – деди Эшмурод тахтадан кўзини узмай.

– Йўқ, гапимизда туришимиз керак. Ҳозир бир шўнғисак, тонг оттирамиз. Яхшиси мен сенга кеча эшитган гапимни айтиб, сўнг уйга қайтаман.

– Нима гап экан, оғайни. Наҳотки шахматдан ҳам қизиқ бўлса.

Эшмурод ўрнидан туриб Сафаралини диванга таклиф қилди.

– Мусажон акани танир эдинг, а?

– Нега танимай, ўртанча ўғли синфдошим-ку.

– Ие, шунақами, лекин гап каттаси билан кенжаси ҳақида, ўртада синфдошинг йўқ.

Сафарали қўлидаги соатга қараб қўйди.

– Нима энди, соатга қараб, хотиндан қўрқиб, шахматни сиртқи бўлимга ўтказдикми, – деди Эшмурод.

– Гап ундамас, оғайни. Қани эсла-чи, дўст бўлгандан буён иккаламиз бафуржа ўтириб суҳбатлашдикми? Қачон қарасак, тахтага тикилиб ўтирамиз. Ҳаёт ҳақида, ўтаётган умримиз ҳақида бирон марта фикр юритмабмиз. Билганимиз «шоҳ», «фарзин», «пиёда» деган гаплар. Хотинлар ҳақ, «иккаласининг мияси тошдай қотиб кетади», деб қўрқишмоқда.

– Ол-а, бояги гапинг нима бўлди, Мусажон аканинг ўғиллари...

Шу пайт кўча эшиги очилгандай бўлди. Эшмурод ўрнидан туриб, деразадан қаради-да, «хотинбой ишдан келди» деб қўйди. Улар ўтирган хонага кирган хотини ажабланиб, дам эрига, дам Сафаралига қаради.

– Шахмат ўйнамаяпсизларми?

Унинг саволида «нима қилиб ўтирибсизлар?» деган киноя бор эди. У ошхона томонга ўтиб кетди.

– Ҳаёт шахмати ҳақида бош қотириб ўтирибмиз, хотин. Бизга чой-пой олиб кел, – деди Эшмурод хотинининг орқасидан.

– Айтадиган гапимни тезроқ айтай, ҳали замон қоронғи тушиб, уйдагилар хавотир ола бошлайди.

Хуллас, ака-ука ота уйини талашиб, муштлашишибди.

– Тушунмадим, уйда кичик ўғил қолган эди-ку... Катта ака...

– Мусажон аканинг кенжа ўғли бошқа ер участкаси олиб, орзу-ҳавас билан уй қурибди. Ота уйини эса «сотаман» деб овоза қилибди. Бу гап катта аканинг қулоғига етиб, орият қилганми ё бошқа мақсадми, келиб укани зуғумга олган. Ўртада жанжал, кейин мушт... Энг қизиғи – бу жанжал бир ҳафта ака-ука ишдан қайтгач, давом этаверган. Охири ака:

– Агар уйни сотсанг, пулнинг ярмини менга берасан, болаларимни «контракт»да ўқитяпман, қийналиб қолдим, – дейди.

Ука эса:

– Менинг бировга берадиган пулим йўқ, ўзим қарз олиб, уй солдим, – дебди.

Шу пайт дарвоза тақиллаб, қабристон гўркови кириб келибди. Иккаласи ҳам ҳайрон, гўрков эса суюнчи олган боладек, кулиб гап бошлабди:

– Сизнинг ҳам шу ердалигингиз яхши бўлди, катта ака. Уч кундан бери кираман дейман, марҳумларнинг ташвишидан аримай қолдим. Отангизнинг қабри ёнидан ўтатуриб, юрагим бир ҳапқириб кетди. Худонинг қудратидан гўрнинг оғзи очилиб қолибди. Дарров тиловат қилиб, ёпиб қўйдим... Ака-укалар эртага эрталаб борсалорингиз, ҳашар қилиб, қабрни янгидан тузатиб қўярдик, майлими.

Гўрков ака-укаларнинг юзларида совимай турган жаҳлни кўриб, жавобини ҳам кутмай, қайтиб кетибди.

– Ие, қизиқ бўлибди-ку... Ё товба... – Эшмурод ўйчан бўлиб қолди. Шу пайт патнисда, қандқурс кўтариб хотини кириб келди. Унинг чеҳраси очиқ эди.

– Бўлар экан-ку, қаранг, икковингизнинг суҳбатларингиз қовушиб... Бу қуриб кетгур қуруқ тахтага тикилиб, ўзларингиз ҳам қуриб кетдингиз. Чой қуйинг, мен ҳозир гўшт қовураман.

– Йўқ, кеннойи, овора бўлманг, бир пиёла чой ичиб, тураман. Оғайним билан мириқиб гаплашдик.

Ҳар иккаласи бир пиёладан чойни уйнинг бурчагида турган шахмат тахтасига ўйчан тикилганча ичишди. Сўнг Сафарали кетди. Кейинги икки юриш унинг уйида бўладиган бўлди. Орадан бир ҳафта ўтди...

– Намунча келишинг қийин бўлди? – деб Сафарали оғайнисини шахмат доналари териб қўйилган хонага бошлади.

– Э, бу дунёнинг ишлари тамом бўлмас экан, айтсам ишонмайсан. Шу келишда тўғри терговдан келаяпман...

– Терговдан?..

– Майли, қани, аввал юриш қилиб олайлик, кейин гаплашамиз. Хўш, олдинги юришлар жой-жойида, демак, ўйинни сен бошлайсан.

– Тергов деганингга сал шошиб қолдим, балки аввал гаплашиб, кейин юриш қилармиз, – деди Сафарали кўнгли бўлмай.

– Йўқ, гап битта, аввал юриш, кейин гап.

Биринчи юриш дарров бўла қолди. Иккинчи юриш эса ярим соатга чўзилди. Сўнг иккаласи ҳовлига чиқиб, атрофига райҳон экилган супачага ёнбошлашди. Сафаралининг катта қизи дадаси билан меҳмонга икки коса муздек айрон олиб келди.

– Оҳ, мазза бўлди-да, қани энди чала ўйинни охирига етказиб қўйсанг...

Эшмуроднинг гапи Сафаралининг энсасини қотирди.

– Бесабр одам экансан-да, оғайни. Бунинг гаштини суриш керак, келаси ўйингача каллангда минг битта юриш қилиб кўрасан. Бунинг устига фикримиз ўсаяпти...

– Э, бу ердан чиқиб кетгандан кейин шахмат эсга келадими, у ёқдан бу ёққа югуравериб, ҳалаксан. Мана бугун ҳам...

– Ҳа, айтмоқчи, гапинг чала қолди, терговдан келаяпман дедингми?

Эшмурод ҳовлидаги шотутга, унинг ёнига экилган қўқон гилосга ачиниб қараб қўйди. Бечора гилос шотутдан бир кунда атиги бир соат қуёшни қарзга оларкан. Қолган пайтда соясида сарғайиб ётади.

– Ишхонамиз доим бир фирмадан кeракли хом ашё олади, таъминотчи бўлганим учун мен олиб келаман. Шу фирманинг иш юритувчиси қамалиб қолибди. Айтишларича, катта камомад чиқибди. Шунга ким қанча маҳсулот олган бўлса, барини чақириб, ҳужжатларни текшираяпти.

– Ҳа, энди бу оддий ҳол. Кимдир еб қўяди, кимдир жавоб беради, кимдир сарсон бўлади. Сарсонлар гуруҳига сени ҳам аъзо қилишибди-да...

– Тўғри, лекин бу ерда бошқа гап бор, оғайни. Иш юритувчи фақат қоғозларга қўл қўяди, холос. Маҳсулотларни жўнатувчи, ҳисоб-китоб қилувчи бошқа одам. У шу фирма хўжайинининг ишонган одами экан. Фирма бошлиғини эса шунча йил қатнаб, бирон марта ҳам кўрмаганман.

– Кўрмайсан ҳам, улар бировнинг қўли билан иш қилади. Ишқилиб, сенга ҳам гап тегиб қолмаса, деб қўрқаман.

– Менга нега гап тегади, ҳужжатларимнинг ҳаммаси тўғри. Лекин терговчига айбдорни топмоқчи бўлсаларинг орқасидаги одамни топинглар, бу бечоранинг имзосидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ, дедим.

– У-чи, у нима деди?

– Нима дерди, «сенинг ишинг бўлмасин» деди. Кейин жавоб бериб юборди, яна чақираман деди.

– Шу гапни чакки айтибсан, орқадаги одамнинг қулоғига бориб етса...

Шу билан бугунги суҳбат ҳам тугади. Эшмурод оғайниси билан қучоқлашиб хайрлашди.

Икки оғайнининг учинчи учрашуви ҳийла чўзилди.

Икки юришда икки юзта ҳангома айтиб,сўнг Сафаралининг аёли тайёрлаган маставани кўкатлар солиб, мазза қилиб ичишди. Кўк чойнинг завқи билан ҳангомани қизитишиб, анча ўтиришди.

– Бугун жуда бемалолсан, нима бало, кеннойи меҳмонга кетганми дейман, – деди Сафарали оғайнисининг шошмаганидан ажабланиб.

– Негадир сен билан тонггача шу юлдузларни устимизга кўрпа қилиб ётгим келаяпти. Ўйинни охирига етказиб қўя қолсакмикан деган ниятим ҳам бор...

Эшмуроднинг овозидаги соғинчни Сафарали яна ҳазилга бурди.

– Мот бўлишингга кўзинг етиб қолдими, дейман, намунча қалтирайсан...

Улар яна бироз суҳбатлашиб ўтиргач, Эшмурод кетишга чоғланди.

– Майли, энди мен борай.

...Тонг отай деб қолган экан, Сафаралини телефон қўнғироғи уйғотди. Дастакни кўтариши билан аёл кишининг шанғиллаган овози эшитилди:

– Сафарали ака, шу қуриб кетгур шахмат оғайниззи охир уйдан бездириб қўяди-ёв. Яна қолиб кетдими дейман. Кичкинамнинг иссиғи чиқиб, кечаси билан ухламади. Оғайниззи айтиб юборинг, тезроқ келсин, болани дўхтирга олиб борамиз.

Сафарали каловланиб қолди.

– Кеннойи, оғайним соат ўнларга яқин уйга кетдим, деб чиқиб кетган, бормадими?

– Ия, қаёқларда юрибди экан, тентираб. Маст эмасми, ичмадингларми?

– Йўқ, кеннойи, ичкилик бўлмади...

Телефон дастаги «тарқ» этиб қўйилди. Сафаралининг юраги ҳапқирди: «Товба, бунақа одати йўқ эди-ку... Ё биронтаси билан... Йўғ-е... Яна қайдам...»

Эшмуроднинг дараги уч кундан кейин чиқди. Уни қўшни туман ўликхонасидан топишди. Айтишларича, машина уриб кетган экан, йўловчилар кўриб қолиб марказга етказишибди. Ёнидан чиққан бир парча қоғоздаги ёзувни ҳеч ким тушунмабди. Маъракалари ўтгач, кеннойи Сафаралига шу қоғозни «балки сиз тушунарсиз» деб берибди. Уни очиб ўқиса, Эшмурод кейинги ўйинда отнинг юришини шахмат алифбосида ифода этган экан...

**Ҳамид НОРҚУЛ.**

## Айтишларича

Сўнгги пайтда дунёда чапақайлар сони ортиб бормоқда. Масалан, XX аср бошида улар аҳолининг 4 фоизини ташкил этишган бўлса, юз йиллик охирига келиб бу рақам 14 фоизга етди.

* * *

Олимларнинг таъкидлашича, аёл организмидаги олтин эркакларникига нисбатан 5 баробар кўп экан. Лекин, шунга қарамай, аёллар тилла тақинчоқларни хуш кўришади.

* * *

Аёлларнинг юраги кичикроқ бўлиб, тезроқ ураркан. Агар эркаклар юраги бир дақиқада 72 марта урса, аёлларники 90 марта экан.

* * *

Эркакларнинг соқоли йилига 14 сантиметр тезликда ўсади.

* * *

Аёллар соч илдизлари эркакларникига кўра бир миллиметр чуқурроқ ўрнашгани боис камроқ тўкилади.

* * *

Бахтсиз севгига учраган эркак унинг изтиробларини 3 ой ичида эсидан чиқаради. Бунинг учун аёлга ўртача 15 ой керак.

## Рассом хандаси



*Изоҳга ҳожат йўқ.*

**Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1040. Адади 3398. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.35. 1 2 3 4 6